

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2017  
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>О. АҲМАДЖОНОВА</b>	
“Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар .....	64
<b>М. ЖҲРАЕВА</b>	
Бадиий адабиётда мутелик психологияси .....	66

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш. ТОШХҲЖАЕВА</b>	
Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи .....	69
<b>Э. ИБРАГИМОВА</b>	
Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши .....	73
<b>Г. РОЗИҚОВА, У. ФАРМОНОВА</b>	
Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги .....	77
<b>В. АМАНОВ</b>	
Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш .....	80
<b>Д. ЮЛДАШЕВА</b>	
Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари .....	83
<b>Н. ҒОФУРОВА</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари .....	86
<b>Г. ЖҲРАБОЕВА</b>	
Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни .....	88
<b>Р. АҲРОРОВА</b>	
Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари .....	92

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ж. ОТАЖОНОВ, Ф. МАХМУДОВА, М. РАЙИМЖОНОВА</b>	
Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари .....	95
<b>Ҳ. ҒАНИЕВА</b>	
Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти .....	98

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М. АБДУМАННОПОВ</b>	
Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала .....	103
<b>Ш. ОХУНЖОНОВА</b>	
Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида .....	106
<b>М. ОМОНОВ, З. БОТИРОВА</b>	
Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари .....	109
<b>О. ҲУСАНХҲЖАЕВ</b>	
Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти .....	111
<b>Н. УРИНОВА</b>	
Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари .....	113
<b>Н. АБДУЛАЗИЗОВА</b>	
Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари .....	115

#### ҒАНИМИЗ ҒИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим .....	116
---------------------------	-----

#### ХОТИРА

<b>Мадамминбек Хотамович АҲМЕДОВ</b> .....	117
<b>Эркин Мўйдинович ТҲХТАСИНОВ</b> .....	117

УДК: 93/99

## ОҒЗАКИ ТАРИХНИ ЁЗМА ТАРИХГА АЙЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА

Ш.Охунжонова

**Аннотация**

Мақолада муаллифнинг оғзаки тарих усулидан фойдаланиб тадқиқот ўтказиш жараёнида тўпланган маълумотларни қоғозга тушириш, яъни матн ҳолига келтириш, унинг меъёр ва услублари, давлат архивларига сақлов учун қабул қилиш борасидаги фикрлари баён қилинади.

**Аннотация**

В статье изложены методы перевода на бумагу сведений, полученных путем устной истории, его нормы и методы, принятия этих материалов в государственные архивы.

**Annotation**

In this article at the time of using by the method of oral history collected materials to write on paper that is put in the appearance of text there are written ideas of methods and measure as there are stored in the archives of the state.

**Таянч сўз ва иборалар:** оғзаки тарих, оғзаки усул, архивлаш, транскрибация, интервью, аудио ёзув, видео ёзув.

**Ключевые слова и выражения:** устная история, устный метод, архивация, транскрибация, интервью, аудиозапись, видеозапись

**Key words and expressions:** oral history, oral method, archiving, transcribation, Interview, audio-recording, video-recording.

Аудио-видео тасмаларга ёзиб олинган материаллар илмий муомалага киритилиши ва нашр этирилиши учун оғзаки нутқ шаклидан ёзма шаклга “таржима” қилиниши лозим. Бу жараён “транскрибация”, деб аталади. Мазкур жараёнда бир қатор меъёрларга амал қилиш талаб этилиб, оғзаки материалларни ҳужжатлаштириш ушбу талабларнинг имкон қадар мукамал бажарилишига боғлиқдир. Зеро, айнан оғзаки тарих материалларини ҳужжатлаштириш тадқиқотчи энг кўп хатога йўл қўядиган жараён ҳисобланиб, оқибатда тадқиқот ишининг бекор бўлишига олиб келади.

Аудио-видео ҳужжатларни илмий-ахборот шаклида расмийлаштириш ва транскриптини ҳужжатлаштириш жараёни якунлаб беради. Транскрибация жараёни жуда мураккаб иш бўлиб, у тадқиқотчидан ниҳоятда диққатли бўлишни талаб этади. Чунки, йўл қўйилган кичик хато маълумотларнинг бузилишига олиб келади. Шундай бўлса-да, мутахассислар оғзаки тарихий манбаларнинг ёзма шакли бўлишини ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашади. Сабаби ёзма ҳужжатлар устида ишлаш қулай бўлиши билан бирга сақлаш ҳам осон саналади. Шу сабабдан оғзаки тарих методи асосида фаолият олиб

бориш истагида бўлган тадқиқотчи транскрибация қилиш усулларини пухта ўрганиб олиши, ундан унумли фойдаланиши ва диққатли бўлиши талаб этилади. Интервью материалларини транскрибация қилиш жараёнида оғзаки нутқда саводсизлик кузатилса ҳам тадқиқотчи ёки транскрибация қилувчи шахс томонидан матнни таҳрир қилиш таъқиқланади. Агар тушунарсиз сўзлар бўлса, уларни интервью давомида сўраб, аниқлик киритиб олиниши керак. Ҳар бир нуқта ёки вергул аниқ ва гап оҳангига қараб қўйилиши керакки, акс ҳолда респондент айтмоқчи бўлган гапнинг мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу ҳолда мазкур ҳужжат ўзининг манбавий хусусиятини йўқотади.

Интервью олиб бораётган тадқиқотчи суҳбатни техник ёзиб олиш билан биргаликда ёзма шаклда ҳам қайд этиб бориб, гувоҳликларнинг таянч чизмаларини тузиб бориши керак, бу, “аннотация”, дейилади. Бевосита ёзиб олишнинг бундай шакли ҳужжатни якуний расмийлаштириш учун керак бўлади. Мазкур қайдномага имкон қадар исм ва шарифлар, географик номлар, аҳоли яшаш жойлари ҳамда кўчалар номлари, бошқа шунга ўхшаш муҳим элементларни ёзиб олиши керак.

Шу кунга қадар ўтказилган тадқиқотларда транскрибация жараёнининг ўртача вақти

Ш.Ю.Охунжонова – ФарДУ Ўзбекистон тарихи мутахассислиги магистранти.

борасида маълум тўхтамга келинган. Масалан, С.С.Илизаровва, М.В.Мокроваларнинг фикрича, 1 соатли аудио-видео ёзувни матнга ўчириш учун 5 соат атрофида вақт кетади [1.150]. М.В.Лоскутованинг маълумотларига кўра эса, 6 соатдан 8 соатгача вақт кетиши мумкин [2.95]. Бунга транскрипти интервью билан солиштиришга кетадиган вақт киритилмаган [3.145].

Оғзаки тарих амалиётида ҳозирга қадар транскрибация жараёни билан ким шуғулланиши лозим, деган масалада ягона фикрга келинмаган. Яъни, фақат интервью олган тадқиқотчим ёки мазкур интервьюда иштирок этмаган, аммо оғзаки тарих лойиҳасида иштирок этаётган иштирокчи ёхуд ёлланган мутахассис ҳам буни амалга ошириши мумкинми. Оғзаки субъектив материални транскрибация қилиш жараёнида нотўғри талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида бу жараёнда интервью олган шахснинг бевосита иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Бироқ, катта миқдорда ўтказилган сўров материалларини ёзма матнга ўгиришда учинчи шахсни жалб этиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу ҳолда тарихчиларнинг бутун жамоаси транскрибациянинг ягона стандартларини ишлаб чиқишлари керак (белгилар тизимини, қисқартирмаларнинг ягона қойдаси ва б.). Шунини айтиш жоизки, оғзаки материални ёзма шаклга айлантиришда уни расмийлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, матн туширилаётган қоғознинг чап томонидан варақларни тикиб қўйиш учун 2,5–3 см жой ташлаб кетиш керак. Ёзилаётган қоғоз юзаси икки майдонга ажратилиб, бирига интервью материаллари, иккинчи томонига эса интервью олган шахснинг қайдлари туширилади.

Расмийлаштирилган матн зарур ҳолларда (Ғарб амалиётида мажбурий) респондентга ўқиб чиқиш учун берилади. Агар интервью берган шахс айрим фикрларидан қайтадиган бўлса, у ҳолда унга бу фикрларини тўғрилаш учун имкон берилади. Респондентнинг расмийлаштирилган матнга эътирози бўлмаса, матн остига имзо чекади. Ҳужжатлаштириш аудио манбага ва транскриптга илмий маълумотнома тузиш билан яқунланади.

Транскрибация жараёни мураккаб жараён бўлиш билан бирга, оғзаки тарихий манбалар яратишнинг яқунловчи босқичи ҳам саналади. Овозларни матнли ҳужжатга ўтказишда, респондентнинг овоз тембри, ритми, қўл ҳаракатлари, сукунатни ва бошқа маълумотларни ифода этишда қавслардан фойдаланилади [4.66]. Матн ҳолига келтирилмаган овозли ҳужжатлар яхши ҳимояланмаган ҳисобланади, қолаверса, оғзаки тарихий манбаларнинг транскрипти тадқиқотчилар фойдаланиши ва ишлаши учун ҳам қулайдир. Аммо оғзаки тарихий манбаларнинг ишончли бўлиши учун унинг матн ва ёзиб олинган овозли шакли бирга бўлиши афзалроқдир. Чунки, матнда видеотасмада акс этган респондентнинг эмоционал ҳолати, хатти-ҳаракатлари, мимикаларини ифода этиш қийин. Шу сабабдан тадқиқотчи имкон қадар барча материаллардан самарали фойдаланиши зарур.

Оғзаки тарих методи асосида олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўлами кенгайиб бораётган бир пайтда, оғзаки тарихий манбаларни йиғиш, улар асос бўлган архив материаллари фондларини шакллантириш ва сақлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабдан хорижий мамлакатларда мазкур турдаги манбаларни архивлашга доир метод ва тамойилларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Юртимизда эса оғзаки тарих методининг ҳозирча кенг оммалашмаганлиги боис оғзаки манбаларни сақлашнинг аниқ миллий тамойиллари ишлаб чиқилмаган. Айни вақтда тарихчи олимларимиз бу борада хориж тажрибасидан фойдаланмоқда. Айтиш мумкинки, оғзаки тарих материаллари асосида шаклланган “архив”ларнинг ҳам аҳамияти ёзма манбалар даражасида эмас.

Оғзаки тарихий манбаларни ҳужжатлаштириш ва архивлаш ишлари оғзаки архивнинг ишлаш регламентини шакллантириш билан яқунланади. Бу жараён ўз ичига қуйидаги омилларни олади: вақт, жой ва ҳужжатлар билан ишлаш шартлари. Бунда энг муҳим ва қийин масалалардан бири–бу, интервью материалларига тадқиқотчиларни киритиш масаласидир. Бу масалани ечишда икки нарсага аниқлик киритиб олиш лозим: 1) интервью материалларидан фойдаланишга

маълумотчининг ва интервью олган шахснинг розилигини олиш. Бу, турли давлатларда турлича ҳал этилади. 2) оғзаки архив ҳужжатларидан фойдаланишда иқтибос ва ҳаволаларни расмийлаштириш. Унда фонд, иш, бет рақамлари ёки аудиотасмаларнинг соат ва дақиқалари кўрсатилади [3.160].

Бугунги кунда оғзаки тарих жамланмалари ўзининг мазмунига кўра беш гуруҳга бўлинади:

- 1) биографиялар;
- 2) ижтимоий, профессионал, этник гуруҳлар тарихи;
- 3) институтлар ва ташкилотлар тарихи;
- 4) штатлар, шаҳарлар, қишлоқ ва аҳоли пунктлари тарихи;
- 5) муаммолар ва воқеаларнинг таърифлари [5.65-67].

Бу каби архив материалларидан фойдаланишда архив томонидан тузиб чиқилган картотекалардан фойдаланилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, оғзаки тарих методи асосида изланиш олиб бориш истагида бўлган тадқиқотчилар ўзлари яратаётган оғзаки манбаларнинг аҳамиятини англаган ҳолда, кейинчалик давлат архивларига топширишга шароит яратишлари керак, ўз навбатида архив ходимларидан аудио-видео материал ва транскрипт шаклидаги оғзаки

манбаларнинг ҳуқуқий жиҳатларини, уларни архивга қабул қилиш, сақлаш ва кейинчалик фойдаланувчиларга тақдим этиш томонларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади.

Интервью ўтказишнинг мураккаблиги ўрганилаётган мавзуни чуқур билиш, саволларни тўғри тузиш, респондентни тўғри танлаш ва у билан тил топа олишда яққол намоён бўлади. Транскрибация жараёни эса аввало сабр-тоқат ва катта маблағни талаб этиб, йўл қўйиладиган биргина хато оғзаки манбанинг ишончилигига путур етказиши мумкин. Архивлашдаги қийинчиликлар эса бугунги кунгача ягона стандартнинг мавжуд эмаслиги ва давлат архивларининг мазкур турдаги ҳужжатларни сақловга қабул қилиб олишнинг юридик жиҳатлари ишлаб чиқмаганлиги билан изоҳланади.

Оғзаки тарих архивларини ташкил этишнинг метод ва тамойиллари мукамал варианти ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, оғзаки тарих методидан бугунги кунда тарихий тадқиқотлар олиб боришда кенг фойдаланилмоқда. Тўпланаётган оғзаки манбаларни тадқиқотчиларга ва кенг оммага етказиш эса архивларнинг аралашувисиз бўлмайди. Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, оғзаки тарих методи тарихининг номаълум қирраларини ўрганишда ўзига хос ўринга эга.

#### Адабиётлар:

1. Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – М., 2004.
2. Хрестоматия по устной истории. – СПб.: Изд-во Европ.ун-та в С. Петербурге, 2003.
3. Щеглова Т.К. Устная история. Учебное пособие. – Барнаул, 2010.
4. Сабиров А.Т. Устная история (oral history): от историографических традиций к комплексному источниковедению // Историографические чтения. Сборник материалов конференции. – Т., 2011.
5. Бломштейн Е.А., Гармаш В.Н. Создание архивов устной истории // Вестник архивиста. – М., 1991. -№ 5.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).